

"O'zvinosanoat-xolding" Xolding kompaniyasi
акциядорлик жамияти акциядорининг Жамият устав фондини ошириш, кўшимча
акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш буйича
Қарори

17.04. 2015 йил Соат 11-00

Тошкент шаҳри,
Абай кучаси 6-уй

Умумий чиқарилган акциялар сони 75218860 дона;
Жами жойлаштирилган акциялар сони 75218860 дона;

Қарор қабул қилиш учун иштирок этаётган овоз берувчи акциялар сони 75218860 дона (“Давлат активларини бошқариш Маркази” Давлат унитар корхонаси Бош директори в.в.б. А.Обидов), яъни 100 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонунига мувофиқ барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Шунга кўра ҳамда "O'zvinosanoat-xolding" Xolding kompaniyasi акциядорлик жамиятининг барча акциялари Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат Қўмитаси қошидаги “Давлат активларини бошқариш Маркази” Давлат унитар корхонасига (акциядорнинг вакили – “Давлат активларини бошқариш Маркази” Давлат унитар корхонаси Бош директори в.в.б. А.Обидов) тегишли бўлганлиги боис акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Қарор қабул қилиш учун кун тартибига киритилган масалалар:

1. "O'zvinosanoat-xolding" Xolding kompaniyasi акциядорлик жамиятининг устав фондини ошириш.
2. "O'zvinosanoat-xolding" Xolding kompaniyasi акциядорлик жамияти кўшимча акцияларининг чиқарилиши тўғрисидаги қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш.

Кун тартибдаги биринчи масала бўйича: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.2011 йилдаги 233-сонли Қарорига мувофиқ “Қишлоқ хўжалик маҳсулот таъминоти” ШХЖни (ҳозирги кунда “Қишлоқ хўжалик маҳсулот таъминоти” УК) давлат активи сифатида "O'zvinosanoat-xolding" ХК АЖ устав фондига берилиши белгиланган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида "O'zvinosanoat-xolding" ХК АЖ томонидан “Қишлоқ хўжалик маҳсулот таъминоти” ШХЖ баҳолатилган. Баҳоловчи ташкилот “Баҳолаш ва консалтинг Маркази” МЧЖнинг 2014 йил 28 ноябрдаги 593-2014-сонли баҳолаш ҳисоботида кўра “Қишлоқ хўжалик маҳсулот таъминоти” ШХЖ 3146699148 сўмга баҳоланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2014 йилдаги ПҚ-2200-сонли қарорига биноан “Яккабоғ шароб консерва” МЧЖ устав фондидаги 51 фоиз давлат улушини "O'zvinosanoat-xolding" ХК АЖга берилиши кўзда тутилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Давлат Рақобат қўмитаси Қашқадарё вилоят бошқармасининг буюртмасига асосан “Яккабоғ шароб консерва” МЧЖ устав фондидаги 51 фоиз давлат улуши “Қашқадарё вилоят баҳолаш ва консалтинг маркази” МЧЖ томонидан 4343960811 сўмга баҳоланган ва бу борада Давлат Рақобат қўмитаси Қашқадарё вилоят бошқармасининг 30.09.2014 йилдаги ХБ-320/09-сонли “Яккабоғ шароб консерва” МЧЖ устав фондидаги 51 фоиз давлат улушини "O'zvinosanoat-xolding" ХК АЖ устав фондига бериш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат қўмитасининг 08.04.2015 йилдаги 1048/02-03-сонли хати билан "O'zvinosanoat-xolding" ХК АЖ устав фондини ошириш масаласини компаниянинг тегишли бошқарув органларида кўриб чиқиш юзасидан кўрсатма берилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.2011 йилдаги 233-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2014 йилдаги ПҚ-2200-сонли қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат қўмитасининг 08.04.2015 йилдаги 1048/02-03-сонли кўрсатмаси ижросини таъминлаш мақсадида, “Қишлоқ хўжалик махсулот таъминоти” УКнинг қиймати ҳамда “Яккабоғ шароб консерва” МЧЖ устав фондидаги 51 фоиз давлат улуши ҳисобига "O'zvinosanoat-xolding" ХК АЖнинг устав фондини кўшимча акцияларни чиқариш йўли билан ошириш лозим ҳисобланади.

Кун тартибдаги иккинчи масала бўйича: "O'zvinosanoat-xolding" ХК АЖнинг устав фонди оширилиши муносабати билан амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ "O'zvinosanoat-xolding" Holding kompaniyasi акциядорлик жамияти акцияларининг янги чиқарилиши тўғрисидаги қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш лозим..

Кун тартибдаги масалалар бўйича акциядорнинг Қарори:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.2011 йилдаги 233-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2014 йилдаги ПҚ-2200-сонли қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат қўмитасининг 08.04.2015 йилдаги 1048/02-03-сонли кўрсатмаси ижросини таъминлаш ҳамда жамият капиталлашув даражасини ошириш мақсадида "O'zvinosanoat-xolding" ХК АЖнинг устав фонди жами 7490659500 сўмга ҳар бирининг номинал қиймати 500 сўм бўлган кўшимча 14981319 дона эгасининг номи ёзилган оддий оддий ҳужжатсиз акцияларни чиқариш йўли билан оширилсин.

Кўшимча акцияларнинг жойлаштириш муддати акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарор рўйхатга олинган санадан бошлаб 90 кун этиб белгилансин.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали, бозор баҳосида, лекин номинал қийматдан кам бўлмаган нархда жойлаштирилади.

Акциялар уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида битимни белгиланган тартибда руйхатдан ўтказиш йўли билан давлат улушига жойлаштирилади.

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.2011 йилдаги 233-сонли Қарорига мувофиқ “Қишлоқ хўжалик махсулот таъминоти” УКнинг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2014 йилдаги ПҚ-2200-сонли қарорига биноан “Яккабоғ шароб консерва” МЧЖ устав фондидаги 51 фоиз давлат улушларининг бозор қиймати ҳисобига белгиланган тартибда қабул қилиш-топшириш далолатномаларини тузиш йўли билан амалга оширилади.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар белгиланган муддатларда 60 фоиздан кам миқдорда жойлаштирилганда, ушбу чиқариш амалга ошмаган деб топилди.

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун тўлов воситаларини қайтариш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. "O'zvinosanoat-xolding" Holding kompaniyasi акциядорлик жамияти кўшимча акцияларининг чиқарилиши тўғрисидаги қарори ва эмиссия рисоласи тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки "O'zvinosanoat-xolding" ХК АЖ нинг кўшимча акцияларининг чиқарилиши тўғрисидаги қарори ва эмиссия рисоласи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, кўшимча чиқарилаётган акциялар жойлаштрилгандан сўнг "O'zvinosanoat-xolding" ХК АЖ уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича қарор қабул қилинади.

**“O'zvinosanoat-xolding” Holding kompaniyasi
акциядорлик жамиятининг ягона акциядори
“Давлат активларини бошқариш Маркази”**

**Давлат унитар корхонаси
Бош директори в.в.б.**

А.Обидов